Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№120 (5411).
29 МАЙ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ОРБИТА ЯНГИЛИКЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 26 май (ТАСС). 1984 йил 8 май куни ер атрофи орбитасига чиқариб қўйилган «Прогресс—21» автомат юк кемасининг учиши тугади.

Кема 10 май куни «Салют—7» станцияси билан туташтирилган эди. Планлаштириб қўйилган ҳамма ишлар: унинг юкини туширib олиш, бирлашган мотор қурилмасини ёқилғи билан тўлдириш, станция ишчиларига сув ўтказиб олиш ишлари тўла-тўкис бажарилди. Юк кемасининг мотори ёрдамида бошқарилган комплекснинг орбитасига иккита тузатиш киритилди.

Бугун Москва вақти билан соат 13 дан 41 минут ўтганда «Прогресс—21» кемаси «Салют—7» станциясидан ажратилди. Ҳисоблаб қўйилган вақтда унинг мотор қурилмаси ишга солинди. Тормозланишдан сўнг юк кемаси тушиш траекториясига ўтди, атмосферанинг зич қатламларига кириб куйиб, йўқ бўлиб кетди.

Леонид Кизим, Владимир Соловьев ва Олег Атьковлар «Салют—7» станциясида планлаштириб қўйилган ишлар программасини бажаришни давом эттирмоқдалар.

Ўтган ҳафтада космонавтлар бир қанча техникавий эксперимент ва медицина кузатувларини ўтказишди.

Программанинг медицина қисмига эхография усулидан фойдаланиб юрак-томир системасини тадқиқ қилиш, шунингдек кўриш аппаратининг ҳолатини чамалаш киритилган эди.

Медицина назорати маълумотларига ва экипаж берган хабарларга қараганда космонавтларнинг сиҳат-саломатлиги яхши, улар ўзларини дуруст ҳис этмоқдалар.


«Салют—7» — «Союз Т-11» илмий тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

тонгги газеталарда

● Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти Николае Чаушеску КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг таклифига биноан 1984 йил июнь ойининг бошида амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

● Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен бошчилигидаги Корея Халқ Демократик Республикаси партия-давлат делегацияси 27 майда Совет Иттифоқидан жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан мамлакатимизга келган эди.

УМУМАРМИЯ КОМСОМОЛИНИНГ АНЖУМАНИ



Суратда: мукофотни топшириш пайти.

В. Мусаэльян ва В. Егоров фотоси (ТАСС — ЎзТАГ).

Қадимий ва абадий навқирон Москва Кремли. Юзлар жаҳонда биринчи бўлиб ва деҳқонлар давлатини ҳимоя қилиш учун Кремль деворлари ёнидан Граждандар уруши ва Улуғ Ватан уруши фронтларига кетган эдилар. Қаҳрли кетган эдилар. Қаҳрамон авлодларнинг вориси — 80-йиллар жангчиларининг энг яхши вакиллари комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгашида қатнашмоқ учун 28 май куни Катта Кремль саройига йиғилдилар.

Эрталаб соат 11. Кенгаш аҳли К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Г. В. Романов, Д. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, Л. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, М. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Кенгаш президиумида бирлашма министрлик ва идоралларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, бўлинмалар, қисмлар ва кемаларнинг комсомол ташкилотларининг секретарлари ҳам бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов кенгашни очди.

Кенгаш иштирокчилари Ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини яқдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. У. Черненко**га сўз берилади. Ҳозир бўлган кишилар уни гулдурос, узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ К. У. Черненко нутқи зўр эътибор билан тингланди, давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Ўртоқ К. У. Черненко армия комсомоли Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигини маълум қилади. Ҳамма ўрнидан туради. У гулдурос, давомли қарсаклар остида ордени Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти комсомол ташкилотининг байроғига қадаб қўяди.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет Қуролли Кучлари, Ленин комсомоли шарафига табрик сўзларини баралла айтадилар. Совет Иттифоқи Гимни янграйди.

Сўнгра Д. Ф. Устинов юксак даражада жанговар шайлик учун курашда Армия ва Флот комсомол ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисида доклад қилди. Биз ҳаммамиз, деди у, ҳозиргина КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненко сўзлаган нутқдан зўр таассурот олдик. Унинг ёрқин ва сермазмун нутқи, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти комсомол ташкилотига Қизил Байроқ орденини топширганлиги ҳаммамизни ҳаққоний ғурур ва ифтихор туйғулари билан қамраб олди.

Комсомол жангчилар, Армия ва Флотнинг бутун шахсий состави бундан буён ҳам ҳарбий бурчни муносиб адо этамиз, улуғ Ватанимизнинг тинч, бунёдкорлик меҳнатини эшраклик билан қўриқлаймиз, деб Коммунистик партия Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, бутун халққа ваъда берадилар.

Биз бу ерга йиғилган вақт ҳақиқатан ҳам ажойиб бир вақтдир, деб таъкидлади нотиқ. КПСС Марказий Комитетининг апрель ойида бўлиб ўтган Пленуми, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишга қаратилган умумхалқ ташаббусига янги омил бахш этди.

1984 йил апрель Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда, Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи ишчилари билан учрашувда сўзлаган нутқларидан ва унинг бошқа нутқларидан келиб чиқадиган қоидалар ҳамда хулосалар партия йўли давомийлигининг, у тарихий истиқболини аниқ кўрсатиб берадиган ленинча концепциянинг ёрқин ифодасидир. Ана шу қарорлар ва нутқларда партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги, Ватаннинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш ҳақида, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги изҳор этилган.

Сўнгра Д. Ф. Устинов халқимизнинг ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини мураккаб ташқи сиёсий вазиятда ҳал этишига ўғри келаётганлигини қайд этиб ўтди. Бу вазият тинчлик учун курашда куч-ғайратни икки баравар-уч баравар оширишни, мамлакат мудофаасини бутун чоралар билан мустаҳкамлашни тақозо этади. В. И. Ленининг, биз тинчлик сари қадамларимизни бутун ҳарбий шайлигимизни юксак даражада сақлаш билан бирга қўйишимиз керак, деган кўрсатмаси бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра актуалдир.

Партия Ленининг шу васиятига амал қилиб, Қуролли Кучларга, уларнинг жанговар қудратини оширишга, армия билан халқнинг бузилмас бирлигини мустаҳкамлашга зўр эътибор бериб келмоқда.

Совет жангчилари партиянинг доимий ғамхўрлигига жанговар меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан жавоб қайтармоқдалар. Қўшинлар ҳамда флот кучларининг қуруқликдаги, осмондаги ва денгиздаги ҳарбий маҳорат даражаси йил сайин ошиб бормоқда, янги қурол ва жанговар техника сабот билан ўзлаштирилмоқда. Илғор қисмлар ва кемалар, жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари, малакали мутахассислар сони кўпаймоқда.

Партиявий-сиёсий иш янада ривожлантирилмоқда. Сиёсий органлар билан партия ташкилотларининг қўшинлар ҳамда флот кучлари

(Давоми иккинчи бетда).

ЛЕНИНЧАСИГА ЯШАЙЛИК, ИШЛАЙЛИК, КУРАШАЙЛИК

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бутун бизда кўп жиҳатдан одатдан ташқари кун бўлади. Нур устига нур деганларидек, кенгашимиз чегарачилар кунига очилмоқда. Эҳтимол, чегарачилар ҳозиргинг ўзидан байрамга ҳозирлик кўришдир. Бу—маълум даражада менинг ҳам шахсий қарашларимни, чунки менинг партиявий таржимаи ҳолим, партиявий ишим чегара қўшинларидан сафида бошланган. Шу боисдан мен сизларнинг ҳаммангизни бу байрам билан алоҳида туйғуга тўлиб табриклайман. (**Қарсаклар**).

Кенгашимизни ҳам ишчанлик, ҳам айни вақтда самимий вазиятда ўтказишга сиз билан бизда бошқа бир сабаб ҳам бор. Бу сабаби асло тасодиф, деб билмайди.

Муваффақиятни истеъдод ва қатъият, ташаббускорлик ва зўр меҳнат бирга қўшилишининг самараси, дейдилар. Жангчига нисбатан айтганда, бунинг ёнига ҳарбий жасоратни ҳам қўшмоқ керак. Социалистик Ватанни қуролли ҳимоя қилиш ишидаги катта хизматлари, Ватан учун бўлган жангларда комсомол жангчилар кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлик, армия ва флот ёшларини тарбиялаш соҳасидаги самарали ишлар учун Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг комсомол ташкилоти Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганини сизларга қувонч билан маълум қиламан. (**Давомли қарсаклар**). Менинг энг самимий қутловларимни қабул этгайсиз, ўртоқлар! (**Қарсаклар**).

Бу мукофот зўр қувонч туйғусини бахш этади, албатта. Бу ҳол сизларга армия комсомолининг катта ва муҳим вазифалари ҳақида ишчанлик билан самимий гаплашиб олишингизга халақит бермаслигига ишонаман. Бунинг устига шу вазифаларни мураккаб халқаро вазиятда, уруш хавфи, ядро уруши таҳликаси анча ошган, жуда ўткир идеологик кураш шароитида ҳал этишга тўғри келади.

Империализмнинг реакцион доиралари ҳозирги жаҳон тараққиётининг бош тенденциясига чидай олмаяптилар. Табиий ҳаракат қилувчи тарих ғилдираги социализм фойдасига ишлаётганини, ҳамма жойда миллий озодлик ва социал адолат принципларини қарор топтириш фойдасига ишлаётганини улар англаб туришибди. Шунинг учун ҳам улар халқаро ишларни зўравонлик позицияларида туриб юритишга интилмоқдалар, тарихнинг қонуниятли ривожланишини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг мислсиз миқёсдаги қуролланиш программаси ана шундан келиб чиқади. Уларнинг ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш учун зўр бериб қилаётган уринишлари мана шундан келиб чиқади.

КПСС, Совет Иттифоқи социал тузумидан қатъи назар давлатлар ўртасидаги муносабатлар тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик ва тенг ҳуқуқлилик муносабатлари бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қилиб келди ва қилаверади. Сизларга маълумки, СССР социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқаро кескинликни юмшатишга, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни доимо кўтариб чиқмоқдалар.

Гап халқларнинг хавфсизлиги ҳақида борганида, ташқи сиёсат, дипломатия кўп иш қилиши мумкин. Аммо ҳамма ишни қила олмайди. Жаҳон майдонида холис ният ёт бўлган ва ақл-идрок мулоҳазаларига нисбатан гўнг бўлган сиёсий кучлар билан ҳам муомала қилишга тўғри келади. Шу ўринда мудофаа потенциалимизнинг тийиб турувчи қудрати бебаҳо роль ўйнайди. Ҳозир бу қудрат совет халқи бунёдкорлик меҳнатининг кафилигина бўлиб қолмай, ер юзидаги яппи тинчликнинг кафили ҳамдир. (**Давомли қарсаклар**).

Кўрдингизми, ўртоқлар, сизларнинг зиммангизга мана шундай масъулият тушади. Сизлар мана шу масъулият юксаклигида бўлишингизга аминмиз. Армия комсомолининг шуҳратга чулғанган бутун тарихи бунинг гаровидир.

Партия билан халқ комсомолларнинг ғаждан ва Улуғ Ватан уруши фронтларидаги, давлат чегарамизни муҳофаза қилишдаги жасоратларини эсда тутадилар. Эсда тутиш билан бирга фахрланадилар ҳам. Улар совет кишиларининг барча авлодлари учун ҳамиша ватанпарварлик, ҳарбий бурчга садоқатнинг илҳомбахш намунаси бўлиб хизмат қилаверади, Армиямиз комсомоли ўз ота-боболарининг ажойиб анъаналарини ардоқлаб асрайдилар ва кўпайтирадилар. Ҳозир комсомол жангчилар интернационал бурчни шараф билан бажараётганликлари бунинг салмоқли исботидир.

Ҳозирги ҳарбий хизмат— осон иш эмаслиги равшан. Бу жисмат тинимсиз меҳнат қилишни, мунтазам машқ билан шуғулланишни, иродани чиниқтиришни, психологик матонат ва доимий камарбасталикни талаб қилади.

Армиямиз ҳар қачонгидек ҳозир ҳам замонавий техникаси ва яхши маҳорати билангина эмас, ўзининг ғоявий бардамлиги, маънавий-сиёсий руҳининг юксаклиги билан кучлидир. Сизлар командирлар, сиёсий ходимлар билан биргаликда ҳар бир жангчининг ўзи бажараётган ватанпарварлик вазифасини чуқур англашини таъминлашингиз лозим.

Шонли юбилей — совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигига ҳозирлик кўриш пайтида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларни кенг авж олдириш лозим. Ешларни Ватанга муҳаббат ва унинг душманларига нафрат руҳида, юксак сиёсий, синфий ҳушёрлик, жасоратга доим шай бўлиб туриш туйғуси руҳида янада қатъият билан тарбиялаш керак. Бу иш шундай йўлга қўйилиши керакки, унда дабдабабозлик камроқ бўлсин, ижодкорлик, новаторларча изланиш кўпроқ бўлсин. Ешлар билан ишлашни бусиз тасаввур этиб бўлмайди. Ленининг «Ҳарбий ишга чинакамига ўрганиб олинглар!» деган васияти армия комсомолларининг бутун ишини йўлга қўйиш учун ўзак бўлиши лозим.

Совет Армияси — ватанпарварлик руҳида камол топиш мактаби, сўзда эмас, балки ҳақиқатда чинакам социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш мактаби ҳамдир. Ҳозир унинг сафларида Ватанимиздаги барча миллатларнинг фарзандлари бор. Шу ерда юзага келадиган ҳарбий дўстлик ришталари уларнинг кўпларини кейинчалик умрбод иноқлаштириб қўяди.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг бир йиллигига бағишланган шаҳар илмий-амалий конференциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Конференция «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида идеологик иш роли»нинг тобора ошиб бориши тўғрисида»ги масалага бағишланган.

Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов очди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «Идеология иши юксак самарали ва сифатли бўлсин» мавзуида доклад қилди. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головнинг доклади ҳозирги босқичда душманнинг идеологик диверсияларига қарши курашга бағишланди.

Докладчилар конференция қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Конференция қатнашчилари секция машғулотларида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларнинг назарий ва амалий масалалари билан танишдилар.

Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети, идеология ходимлари университети тингловчилари, идеология активи, шаҳар ва район партия комитетлари аппаратларининг ходимлари иштирок этмоқдалар.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро Тошкент фестивали муваффақиятли давом этмоқда. Фестивалда жаҳондаги юзга яқин мамлакатлар, шунингдек, халқаро ва миллий ташкилотларнинг кинематографчилари иштирок этяптн. Бугун республика Киночилар уйида фестиваль қатнашчилари иштирокида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусидаги жиддий мунозара бошланди.

Фестиваль қатнашчилари Санъат саройида Монголия, Эквадор ва РСФСР кинематографчилари кино байрами экранига тавсия этган фильмларни томоша қиладилар. Кечқурун республика Театр жамиятида Тошкент Халқаро кино байрами қатнашчилари Ўзбекистон саҳна усталари билан учрашадилар.

эртага

Киночилар уйида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзусидаги жиддий мунозара давом эттирилади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг V пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. А. В. Гончарова Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаровнинг 1984 йилнинг беш ойида шаҳар халқ хўжалиги план ва социалистик мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотини тингладн.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тикувчилар маданият саройида пойтахт области ва Тошкент шаҳри маданият муассасалари раҳбарларининг халқ университети навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида ўтказиладиган тадбирлар муҳокама қилинди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 25 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво булутли бўлсада, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3—8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18—23, кундузи 31—36 даража иссиқ бўлади.

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

(Боши биринчи бетда).

Армиямиз интернационализмининг бошқа бир қирраси ҳақида ҳам гапирмоқчиман, унинг Варшава Шартномаси қардош мамлакатларининг армиялари жангчилари билан алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Бу алоқаларни ҳар томонлама ардоқлаб асраш ва ривожлантириш — сизларнинг муҳим вазифангиздир. Сизлар бу вазифани ҳам уддалашингизга шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқлар, бугун мен армия комсомолининг ишлари ва вазифалари ҳақида гапирганда, сизлар билан шу фикрларни ўртоқлашмоқчи эдим.

Эҳтимол, сизлар энди орден топшириш пайти келди, деб ўйлаётгандирсиз. **(Залда жонланиш).** Аммо бу ишда шошилмасликка ижозат берингиз. Модомики, Дмитрий Федорович Устинов менга шу минбарни бериб қўйган экан, ундан фойдаланиб бутун комсомолимизнинг иши ҳақидаги баъзи мулоҳазаларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Зеро биз яқин орада Сиёсий бюро мажлисида комсомолга партиявий раҳбарликни яхшилаш тўғрисидаги, унинг ёшларни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳақидаги масалани атрофлича кўриб чиқмоқчимиз.

Комсомолга Ленин номи берилганига 60 йил тўлди. Комсомолнинг VI съезди шу қарорни қабул қилар экан, съезд «Ёшларнинг активлиги, уларни чинакам большевикчасига тоблаш ва чиниқтиришнинг бирдан бир тўғри йўлини таъминлайдиган кекса гвардия теварагида бирлаштирган тақдирдагина ёшларни ленинчасига тарбиялашга эришиш мумкин», — деб очиқ-равшан таъкидлаган эди.

Ўша даврда бу қоида аввало «Партия ёш авлодини» коммунистларнинг кекса қисмига қарама-қарши қўйиш йўлидаги уринишларга қарши ўткир қилиб қўйилган эди. Шу билан бирга бу қоида замирида сўнмас сиёсий аҳамиятга молик фикр бор. У ҳам бўлса **партиянинг ёшлар ҳаракатига раҳбарлиги социалистик жамиятда авлодлар революцион давомийлигининг энг биринчи шарти ва энг муҳим кафолатидир, деган фикрдир.** КПСС ҳам бу принципни турмушга тинимсиз татбиқ этиб келмоқда. Бунда партия ўз шаънини эмас, балки янги жамият қурилишини муносиб давом эттириш манфаатларини биринчи ўринга қўяди.

Партия жамоат ташкилоти бўлмиш комсомолнинг ташаббускорлик характерини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг шак-шубҳасиз ташкилий мустақиллигини таъкидлаш орқали бу принципни рўёбга чиқармоқда. Зеро, В. И. Ленин айтганидек, «тўла мустақиллик бўлмаса, ёшлар ўзларидан яхши социалистлар тайёрлаб чиқара **олмайди** ҳам ва социализмни **олға** суришга тайёрлана ҳам олмайди». Лениннинг бу қоидаси айтилган пайтда нақадар актуал бўлган бўлса, ҳозирги кунларда ҳам шундай актуал янграмоқда.

Азиз ўртоқлар, сизлар мустақил меҳнат ҳаётига қадам қўйиш пайтида илгари мисли кўрилмаган имкониятларга эга бўлган совет кишилари авлодига мансубсизлар. Кечагина афсона бўлиб туюлган зафарларга сизлар эриша оласизлар. Аммо, ўтинаман, хом хаёлга берилмангиз. Ҳозирги совет ёшларининг турмуши биз, кекса авлодга нисбатан бирон-бир жиҳатдан осонроқ бўлса, бирон-бир жиҳатдан мураккаброқ бўлади.

Келинглар, тенгқурларингизнинг кўпчилиги ҳаёт йўли ҳозирнинг ўзидаёқ бориб тақалган ёки албатта бориб тақаладиган соҳани олиб кўрайлик. Мен ишлаб чиқаришни, экономикани назарда тутаман.

Партиянинг даъватига биноан комсомол мамлакат учун энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун завқ-шавқ билан курашмоқда. У улуғвор Байкал-Амур магистрали қурилишига ва рекорд бўларли муддатларда қуриб битказилган Уренгой—Помари — Ужгород газ қувурига, Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасини обод қилишга ва Сибирь, Узоқ Шарқ, Узоқ Шимол бойликларини ўзлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди ва қўшмоқда. Миллион-миллион йигит ва қизлар станок ёнида, комбайн штурвалида, илмий лабораторияда одатдаги кундалик иш қаҳрамонлигини кўрсатиб, комсомол шуҳрати солномасига янги ёрқин саҳифалар битмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Ленин комсомолининг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси кучайиб, кўпайиб бораверишига аминмиз. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, биз яқин беш йилликда ва келгуси асрнинг бошларигача мўлжалланган планларни тузаётганимизда айни ҳозирги ёшларнинг маҳоратли қўлларига, ижодкор фикрига, виждонли меҳнатига кўп жиҳатдан умид қиляпмиз. Чунки, шу планларни бажариш соҳасидаги асосий ишни ҳозир комсомол ёшида бўлган кишилар бажаришлари керак бўлади.

Халқ хўжалигимиз шу даражага бориб етдики, энди уни интенсивлаш изига кўчириш жуда ўткир зарурат бўлиб қолди. Партия ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнатни яхшироқ ташкил этишга, унинг унумдорлигини ўстиришга қаратилган ҳамма ташаббусларни бажонидил қўллаб-қувватлаётганини биласизлар. Бу катта ижодий ишга бутун комсомолимиз актив қўшилганлиги жуда соз бўлди.

Ишлаб чиқаришни фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларига мувофиқ ташкил этиш, жамики янги, илғор усулларни жорий этиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бу вазифа йигит ва қизларга ўз истеъдодлари, қобилиятларини намоён қилиш учун чинакам мислсиз имкониятлар очади. Аммо бирталай қийинчиликларга ҳам дуч келинади, зиммага анча катта масъулият олишга тўғри келади. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг талаблари мана шундай.

Умуман, кўриб турибсизларки, ҳаёт диалектикаси ўз йўлидан бораверади. Сизларнинг ишлашингиз ҳам осонроқ, ҳам ўзига хос тарзда қийинроқ бўлади.

Сизлар совет кишиларининг ривожланган социалистик жамият шароитида онгли турмушга қадам қўйган биринчи авлодидирсизлар. Шу факт устида, айниқса, бу факт қандай мажбуриятлар юклаши ҳақида бот-бот ўйлаб кўрингиз. Чамамда, ўзларингиз бундан тўғри хулосалар чиқариб олабиласизлар. Аммо битта, энг асосий хулоса ҳақида гапирмай ўта олмайман. У ҳам бўлса шундан иборатки, сизлар жаҳон тарихида олий социал тараққиёт даражасига эришган жамиятда туғилиб, камол топиш бахтига муяссарсизлар. Аммо бу гапдан энди ўз ўтмишдошларингиз меҳнатининг самараларидан ҳузур қилиб яшайверишгина қолди, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Асло бундай эмас! Сизлар партия **ривожланган социализмни такомиллаштириш** деб белгилаб берган кўп қиррали оғир ишга енг шимариб, тўла куч билан киришмоғингиз керак. Ўзларингизга маълумки, партиянинг XXVII съезди қабул қилиши лозим бўлган янги таҳрирдаги КПСС Программасига — тарихий жиҳатдан узоқ даврга мўлжалланган программага айни мана шу ҳар томонлама пухта ўйланган илмий ибора асос қилиб олинган.

Сиз, ёшлар бу ишга завқ-шавқ билан астойдил киришасизлар, деб ишонаман. Совет кишилари ҳозирги авлодининг ва, албатта, комсомолларнинг, ёшларнинг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари, аввало, ўз мамлакатимизда қурилган социализмни такомиллаштириш вазифаларини нақадар муваффақиятли уддалашимиз билан ўлчанишини таъкидлаб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Ёки, бошқача қилиб айтганда, бу хизматлар уни социалистик идеалга тўла мувофиқ ҳолга келтириш сари, дунёқарашимизнинг марказий ғояси бўлмиш социал адолат ғоясига зид бўлган ҳамма иллатларни турмушимиздан чиқариб ташлаш сари нақадар олға силжишимиз билан ўлчанади.

Биз жамиятимизни ҳар жиҳатдан социализм ҳақидаги энг юксак, энг талабчан тасаввурларга мувофиқ ҳолга келтира олишимиз мумкин ва лозим. Бу тасаввурларни Маркс, Энгельс, Ленин илмий жиҳатдан асослаб берганлар. Бу тасаввурлар бутун дунёдаги меҳнат аҳлини, халқ оммасини социализм учун курашга руҳлантирмоқда. Бу тасаввурлар бизга ҳеч қачон эришилган даража билан хотиржам бўлиб қолишимизга, камчиликларга ва нуқсонларга муросасозлик билан қарашимизга йўл қўймаган.

Сизлар, эҳтимол, инсон ўспиринлик чоғида ҳамма нарсага қизиқадиган, ҳамма нарсани орзу қиладиган бўлади, деган мулоҳазаларни эшитгандирсиз. Гўё бу хусусият ёш ўтган сари, албатта, ўтиб кетар эмиш. Гўё турмуш уринишлари ҳар жиҳатдан уни қуршаб олармишу, орзу қилиш учун, юксак идеалларга интилиш учун имкон қолмас эмиш. Ҳақиқатан ҳам баъзи кишилар шундай ҳолатга тушадилар, аммо бу нарса асло табиат қонуни эмас. Ҳар ҳолда бизнинг мамлакатимизда бу ҳолат мажбурий кучга эга эмас ва эга бўлиши керак ҳам эмас.

Биз бошқа принципга, революционерларнинг принципига мувофиқ яшаймиз. Биз янги жамият барпо этиш учун курашчиларни: «Орзу қилмоқ керак!» деб даъват этган ленинча васият принципига биноан яшаймиз. Владимир Ильичнинг ўзи эса ёшлигида ҳам, етуклик йилларида ҳам ҳамиша, умрининг сўнгги кунларигача ҳаммадан кўра кўпроқ илҳом билан ва ажабтовур тарзда орзу қила олар эди. Унинг энг асосий орзуси — Ватанимизнинг коммунистик келажаги тўғрисидаги орзу совет халқининг ақлида, дилида ва ишларида яшаб келмоқда. Биз бу орзуни ҳеч қачон тарк этмадик ва ҳеч қачон тарк этмаймиз **(Қарсаклар).** Эндиликда эса, биз социалистик қурилишнинг неча ўн йилларидан ўтганимиздан сўнг, бизнинг ақлимиз тўлиб, ўз истиқболларимизни аниқ-равшан чамалайдиган бўлиб қолган пайтимизда, олий мақсадимиз — коммунизмни рўёбга чиқариш йўлини тўғрироқ, пухтароқ солишни ҳам ўрганиб олдик.

Ўртоқлар, олдимизда турган вазифаларнинг янгилиги **комсомол фаолиятининг форма ва методларини, услубининг** ўзини яхшилаш масаласини олдинги ўринлардан бирига объектив равишда чиқариб қўйганлиги равшан.

Аввал бошда иш формаларига тўхталиб ўтайлик. Бу ўринда, аввало, нималарга эътиборни қаратиш лозим?

Биринчидан, ҳали ҳам кўпинча комсомол ташкилотлари янги вазифаларни «синовдан ўтган», бир қолипдаги усул ва воситалар билан ҳал этишга уринмоқдалар. Лениннинг сўзлари билан айтганда, айрим кишилар «ёрқин» шиорга маҳлиё бўлмоқдалар, «янги» ижтимоий иқтисодий ва сиёсий вазиятни **тушунмаётирлар, шароитнинг ўзгарганини** ...назарга олмаётирлар», «ўз тактикасида максимал даражада **эпчил бўлиш** зарурлигини» унутиб қўймоқдалар.

Иш формалари ўзгармай, қотиб қолиши мумкин эмас. Бу формаларни доимо ривожлантириб бориш лозим. Бунинг устига ёшларга хос янгиликка интилишни ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди. Гарчи «номи» вақти-вақти билан ўзгартириб турилган бўлса ҳам, кўп йилларга чўзилиб кетган қанча-дан қанча юришлару кўриклар ёшлар учун ўзининг кучидан маҳрум бўлади, деган фикрга қўшиларсизлар.

Иккинчидан, ёшларнинг иш формалари билан ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжлари ўртасида муайян тафовут бор. Комсомол ташкилотлари шу билан боғлиқ бўлган тенденцияларга мувофиқ тарзда иш кўришга, уни зарур йўналишга солиб юборишга ҳамиша ҳам улгура олмаяптилар. Айрим жойларда ҳали ҳам комсомол иши йигит ва қизларнинг ҳаётий режаларига мувофиқ тарзда қурилаётгани йўқ. Баъзан комсомол комитетлари ёшларни чинакамига қизиқтираётган энг зарур муаммолардан четда қолмоқдалар. Ёшларнинг қандайдир бир қисми комсомолдаги актив фаолиятдан четлашаётганининг сабаби шу эмасмикан?

Ниҳоят, комсомол ишининг формаларини танлаб олганда уларнинг ёшини, билим даражасини, у ёки бу турдаги фаолиятга қизиқишларини ва мойиллигини эътиборга олиш керак, албатта. Аммо бу талабга амалда риоя қилинмаяпти.

Кўриб турибсизларки, бу соҳада бирталай зиддиятлар йиғилиб қолган.

Комсомол комитетлари мавжуд иш формаларини танқидий анализ қилиб, уларни маълум маънода қайтадан чамалаб кўрадилар, деб ўйлайман. Ҳамиша комсомолга хос бўлган ижодий изланиш, новаторлик, реал ҳаётдан келиб чиқадиган дадил эксперимент бундан буён ҳам унга йўлдош бўлаверишига аминман.

Бу нарса турмуш ўртага қўяётган янги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учунгина керак бўлиб қолмайди. Комсомол ҳамиша фаол шуғулланиб келган проблемаларни ҳал этишда ҳам унга кўпроқ ташаббускорлик ва ижодкорлик тиламоқчиман. Гап масалан, йигит ва қизларни ахлоқий-эстетик ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ҳақида, уларни Ватан ва жаҳон маданиятининг энг яхши ютуқларидан баҳраманд қилиш тўғрисида, равшанки, ҳар бир комсомолнинг жамоат тартибини мустаҳкамлашда актив қатнашиши ҳақида бормоқда.

Энди раҳбарлик услуби хусусида шуларни айтмоқчиман. Кейинги йилларда комсомол комитетлари иш услубини такомиллаштириш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Бироқ ўртоқлар, қилинган ишлар — катта ишнинг бошланиши, холос.

Бу ишнинг моҳияти, бир томондан, ВЛКСМ сафларидаги уюшқоқликни, тартиб, интизомни оширишдан, иккинчи томондан эса комсомолларнинг ташаббускорлиги ва активлигини ривожлантиришдан иборат. Кўпгина комсомол комитетлари ва ҳатто пионер ташкилотлари фаолиятида анчагина расмиятчилик, илгаридан ташкил қилиб қўювчилик ва дабдабабозлик таъсирининг борлиги — бартараф этиш лозим бўлган энг катта тўсиқдир. Эсингизда бўлса, партиянинг XXVI съездида ҳам, Марказий Комитетнинг 1983 йил июнь Пленумида ҳам шу ҳақда гапирилган эди.

Яна ўша ҳар хил «тадбирлар» билан машғул бўлишни олайлик. Бу камчилик тўғрисида неча марталаб айтиб ўтилди. Аммо сезиларли бурилиш рўй берган йўқ. Кўпдан кўп ҳаракатлар ва кампанияларга берилиб кетиш муқаррар расмиятчиликка олиб келади-ку, ахир. Уларнинг кўпчилиги текшириб кўрилганида кўпинча фақат «қоғозлар ҳаракати» бўлиб чиқади, «қамраб олиш»га доир кишини ҳайратга солувчи кўп миллионли рақамлар эса унчалик катта эмаслиги маълум бўлиб қолади. Бунинг устига шу нарса ҳам сир эмаски, баъзи «тадбирлар» аввал бошиданоқ хўжакўрсинга ташкил этилган бўлиб, усти ялтироқ қилиб кўрсатишга мўлжалланган, дейиш мумкин.

Гап умуман оммавий кампаниялардан, ёрқин намойишлардан воз кечиш тўғрисида бораётгани йўқ, албатта. Бунда чегарани билиш, уларнинг ўтказилиши Союзнинг тарбиявий ишини тўлдириши кераклигини ёдда тутиш лозим.

Ҳар қандай ишда расмиятчилик, қоғозбозлик, бюрократизмга тоқат қилиб бўлмайди. Буларга ВЛКСМ фаолиятида, айниқса, унинг пионер ташкилотига раҳбарлигида икки карра, уч карра тоқат қилиб бўлмайди. Ҳамма нарсани регламент билан чеклаш, комсомол ташкилотларининг ишини юқоридан берилган кўрсатмалар қолипига солиш йўлидаги интилиш демократик, мустақил иш кўрувчи ташкилот бўлмиш комсомол негизларининг ўзига хилофдир.

Комсомол комитетлари ВЛКСМ аъзолари ўртасида ҳам, шунингдек, болалар коммунистик ташкилотида ҳам кундалик, конкрет ташкилотчилик ҳамда тарбиявий ишни кучайтириш томон кескин бурилишлари керак. Комсомол ходимларининг ёшлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини барча бошланғич ташкилотларда жонли, ижодий муҳитни вужудга келтиришга бўйсундириш муҳимдир. Ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир ёш инсонда юксак дунёқараш ва маънавий-сиёсий маданиятни, буржуа идеологиясининг ҳар қандай шаклдаги мешчанлик-истеъмолчилик психологиясининг таъсирига қарши қатъий туришни шакллантиришда, партия унинг олдига қўяётган вазифаларни ҳал этишда комсомолнинг ролини ошириш айни мана шунга ғоят кўп даражада боғлиқдир.

Бунда биз шуни тушунамизки, ана шу барча вазифаларни бажариш **комсомолга партия раҳбарлигини яхшилашни,** бундаги мавжуд камчиликлар бартараф этилишини талаб қилади. Баъзи бир ҳолларда биз комсомол ташкилотларига ҳаддан ташқари раҳбарлик қилиш фактларига дуч келамиз. Бу фактлар ортида ёшлар хато қилиб қўйишлари ҳам мумкин, деган муайян хавотирликни пайқаб олиш қийин эмас. Бундай позицияга қўшилиб бўлмайди. Акс ҳолда ёшларни умр бўйи йўргакда сақлашга тўғри келади, дейиш мумкин, зеро Маркс киноя билан қайд этиб ўтганидек, «Инсон юришни ўрганар экан, йиқилишни ҳам ўргана боради, зотан у йиқилгандагина юришни ўрганиб олади». Комсомолга кўпроқ ишонч билдириш керак, лекин бу талабчанлик билан билдирилган ишонч бўлиши лозим. Комсомолнинг ишлари ва юмушларига энг оддий эътибор бермай қўйишдан иборат бошқа бир зид ишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

Бунда шуни қайд этиб ўтмоқчиманки, биз комсомолга партия раҳбарлигининг даражасига парткомлар тинглаган масалаларнинг миқдорига қарабгина баҳо бермоқчи эмасмиз асло. Аввало, ёшлар ўртасида содир бўлаётган социал, идеологик жараёнларни доимо ва чуқур билиб бориш, уларни мунтазам суратда таҳлил этиш, ишнинг асосий йўналишларини, энг таъсирчан формаларини танлашда комсомол ташкилотларига ёрдам бериш муҳимдир.

Буларнинг ҳаммасини ниҳоятда зўр одоб билан бажариш лозим. Энг кўп даражада ишонтириш, ўртоқларча эътибор, амалий ёрдам — ёшлар ташкилотига партиявий раҳбарлик услубига нисбатан қўйиладиган мажбурий талаб мана шундан иборат. Ленин сўзлари билан айтганда, ҳаммадан кўра кўпроқ бунда «сиёсий» нуқтаи назардан ташқари «педагогик» нуқтаи назарни ҳам эътиборга олиш» керак.

Бунда кўп нарса партия раҳбарларининг ёшлар билан бевосита жонли мулоқотда бўлишларига боғлиқдир. Ёшлар меҳнат қилаётган, ўқиётган, дам олаётган жойларда тез-тез бўлиб, етилган масалалар юзасидан улар билан рўй-рост суҳбатлашиб туришни қоида қилиб олиш керак.

Яна бу нарса сиёсий нуқтаи назардангина эмас, шу билан бирга, айтишим мумкинки, психологик нуқтаи назардан ҳам муҳимдир. Бундай мулоқотларда ўзинг ҳам ёшларнинг ғайрат-шижоатидан куч-қувват олиб, кўз олдингдан ўтган фактларнинг янги жиҳатларини очасан, ҳозирги ёшларнинг реал хусусиятларини, уларга хос фазилатларни яхшироқ тушуна бошлайсан, киши. Чунки ёшлар, Ленин айтганидек, «социализмга яқинлашишда оталаридек эмас, балки зарурат юзасидан **бошқача, ўзга** йўл билан, **ўзга формада, ўзга** вазиятда яқинлашишга мажбур» бўладилар.

Гап ёшларга тилёғламалик қилиш тўғрисида бораётгани йўқ, албатта. Биз ғоявий, принципиал позицияда ҳамиша изчил ва қатъий бўлишимиз лозим. Бизнинг мана шу қатъий эътиқодимизни ёшларга сингдириш керак.

Комсомолга раҳбарлик қилиш — ёшларнинг комсомол ташкилотлари ўзигина уддалай олмайдиган проблемаларни ҳал этишда унга ёрдам бериш кераклигини ҳам билдиради. Мен, аввало, социал проблемаларни назарда тутмоқдаман. Бутун идеология ишида бўлгани каби ёшларни тарбиялашда ҳам бу иш яхши ўйланган социал-иқтисодий сиёсатга таянган тақдирдагина чинакам муваффақиятга эришилади. Ёшларнинг эса социал соҳадаги проблемалари оз эмас. Мен том маънодаги ўқитиш ва таълим масалаларини биринчи ўринга қўйган бўлур эдим.

Партия белгилаган ва ҳозирнинг ўзидаёқ мактаб ишини ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган катта-катта тадбирлар сизларга маълум. Бу тадбирлар ҳар бир ёш инсонга ўзини мустақил меҳнат ҳаётига яхшироқ тайёрлашга ёрдам бериши, образли қилиб айтганда, узоқ йиллар мобайнида унга юксак процент бериб борадиган капитални яратиши керак.

Ҳар бир ёш инсон мактабни ёки олий ўқув юртини тамомлагандан кейин ҳам ўз билимларини янгилаб, бойита оладиган бўлиши учун ҳамма жойда шарт-шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш керак. Ҳозирги ишлаб чиқаришнинг зўр ривожланиши ҳам, шахсни ҳар томонлама камол топтириш вазифаси ҳам шуни тақозо этади.

Социологларнинг таъкидлашларича, меҳнатнинг мазмуни ва шароитларидан қониқмаслик — ёш ишчилар ўртасида кадрлар қўнимсизлигининг асосий сабабларидир. Ҳақиқатан ҳам шундай, Партиянинг ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш, янгилашга қаратилган йўли бугунги кунда ана шу проблемани анча жадал ҳал этиш имконини беради.

Бу проблема бир зумда ғойиб бўлмаслиги тушунарли. Лекин комсомол шу жараёнда яна ҳам активроқ иштирок этган тақдирда меҳнат шароитларини ўзгартириш, унинг мазмунини бойитиш ишлари жуда тезлашиб кетади. Бунда ёшларимизнинг билимлари, ташаббуси, ижодий ихтироларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар мавжуд. Афтидан баъзи жойларда осойишта турмуш ишқибозлари билан курашишга ҳам тўғри келиб қолар. Хуллас, бунда ҳам яна, Ленин таъкидлаб ўтганидек, «Совет ҳокимиятининг буйруқ чиқариши ёки партиянинг бирон шиор ташлаши... билангина иш битмайди», «Бунинг учун ёш авлоднинг ўзи шу ишга киришмоғи керак».

Ёш оилаларни шинам уй-жой билан таъминлаш — катта проблемадир. Ўзларингиз биласизки, мамлакатимиз уй-жой қурилишининг кўлами жиҳатидан дунёда унга тенг келадигани йўқ. Аммо уй-жой проблемаси ҳали ҳам жуда ўткир бўлиб турибди, бинобарин, уни ҳал этиш учун қўшимча резервларни қидириб топиш лозим. Шу муносабат билан, эҳтимол, ёш оилаларга кооператив асосларда уй-жой олиш учун узоқ муддатли кредитлар бериш мумкинлигини ўйлаб кўриш керакдир. Комсомол эса ёшлар кооперативлари қурилишини оталиққа олган бўлур эди.

Бугун сўнгги бир масалани айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир комсомол сафларида бир ярим миллиондан кўпроқ коммунист бор. Айни улар орқали комсомолга ҳаммадан кўра яхшироқ таъсир ўтказиш мумкин. Зўрлик кучи билан эмас, албатта. Ленин сўзлари билан айтганда, «Обрў кучи билан, ғайрат кучи билан, тажрибаси зўрлиги билан, ҳар томонлама иш кўрсата билиши, қобилияти зўрлиги билан» таъсир ўтказиш керак. Коммунистнинг комсомолдаги иши — масъулиятли партия ишидир. Уни эса шараф билан бажариш керак **(Қарсаклар).**

Умуман, комсомол кадрлари масаласини энг муҳим масала дейиш мумкин. Бунда ҳамма нарса — ғоявий эътиқод ва маънавий поклик, ташкилотчилик маҳорати ва ёшларнинг ўзига хос талаб-эҳтиёжларига сезгирлик билан эътибор бера олиш қобилияти, профессионал етуклик ва ёшларга хос ғайрат-шижоат ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам комсомол кадрларини танлаш, шунингдек, уларни совет, хўжалик ишларига ва, албатта, партия ишига кўтариш проблемалари доимо партия комитетларининг диққат марказида бўлиши керак. Комсомолда раҳбарликнинг яхши мактабидан ўтган кишилар ўз меҳнати билан бундай ишончни оқлашларига аминман. Буларнинг ҳаммаси армия комсомолига ҳам тўла-тўкис тааллуқли эканлиги тушунарлидир.

Ўртоқлар, энди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан СССР Олий Совети Президиумининг фахрли топшириғини бажаришга ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг комсомол ташкилотига юксак давлат мукофоти — Қизил Байроқ орденини топширишга ижозат бергайсиз!

(Ҳамма ўрнидан туради. Ўртоқ К. У. Черненко гулдурос, давомли қарсаклар остида орденни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти комсомол ташкилотининг байроғига қадаб қўяди. Залда ҳозир бўлган кишилар «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!, Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!», «Совет Қуролли Кучларига шон-шарафлар!», «Ленин комсомолига шон-шарафлар!» деб хитоб қиладилар).

УМУМАРМИЯ КОМСОМОЛИНИНГ АНЖУМАНИ

(Боши биринчи бетда).

ҳаёти ва фаолиятига таъсири муттасил ортиб бормоқда. Комсомол ташкилотларининг роли ошмоқда. Армия ва Флот комсомоли ўзининг амалий иши билан Қуролли Кучларнинг жанговар қудрати ва жанговар шайлигини оширишда партиянинг содиқ ёрдамчиси эканлигини қайта-қайта исботламоқда. ВЛКСМ аъзоларининг учдан бир қисми аълочи, уларнинг ярми эса юқори малакали мутахассисдир!

Аммо эришилган муваффақиятлар хотиржамлик учун асос бўлолмайди. Комсомолнинг Армия ва Флот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишдаги мавжуд резервларидан ва имкониятларидан ҳали асло тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Қуролли Кучларнинг юксак даражадаги жанговар шайлигига эришиш комсомол ташкилотларининг фаолиятида асосий, энг муҳим вазифадир, деди СССР мудофаа министри. Жанговар шайлик даражаси — қисмлар, кемалар тайёрлигининг сифат жиҳатига бериладиган партия ва давлат баҳосининг асосий мезонидир. Армия ва Флот комсомоли фаолиятига баҳо беришда ҳам худди шу нарса асосий мезон ҳисобланади.

Партия раҳбарлиги Армия ва Флот комсомол ташкилотлари жамики фаолиятида муваффақиятлар гаровидир. Бунда партиянинг барча аъзолари комсомол билан шуғулланиши, ишлаши, ишлаганда ҳам тўхтовсиз ишлаши лозим. Бунда мансабни ҳам, бандликни ҳам, бошқа сабабларни ҳам рўкач қилиб бўлмайди.

Шунга эришиш кераки, ҳар бир жангчи, ҳар бир комсомол аъзоси, аввало, ҳозирги халқаро вазият ниҳоятда кескинлигини, партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг империализмнинг ҳар қандай кирдикорларини даф этишга ҳамиша тайёр бўлиб туриш керак, ҳеч қандай тасодиф бизни ғафлатда қолдира олмасин, деб Қуролли Кучларга нисбатан қўйган талабларини чуқур англаб олсин.

Барча жангчилар Ватан тақдири учун шахсий масъулиятни ҳис этиши, ҳамиша сергак бўлиб, доимо юксак даражада ҳушёрликни сақлашлари зарур.

Комсомол иши қисм, кема доиралари билан чекланиб қолмаслиги керак. Завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозларнинг комсомоллари билан, ДОСААФ ташкилотлари билан ҳарбий-оталиқ алоқаларини мустаҳкамлаш муҳим. Армия комсомоли умумхалқ ишига — мактаб ислоҳоти ва ҳунар-техника таълими ислоҳотини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиши, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилашда мактабларга ва ҳунар-техника билим юртларига ёрдам бериши мумкин ва лозим.

Сўнгра Д. Ф. Устинов ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда комсомол ташкилотларининг вазифаларига, шахсий составнинг турмуши, унинг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш зарурлигига, шунингдек, комсомол ходимлари кадрлари билан ишлашни, уларни танлаш ва тарбиялашни яхшилаш муҳимлигига тўхталиб ўтди.

СССР мудофаа министри пировардида қуйидагиларни айтди: 12 июль куни Ленин комсомоли ўз тарихидаги муҳим воқеани — унга Владимир Ильич Ленин номи берилганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Комсомоллар мана шу бутун олтмиш йил мобайнида доҳий васиятларини муқаддас билиб, унга амал қилиб келдилар. Комсомоллар ҳамиша социалистик Ватаннинг содиқ бунёдкорлари ҳамда ҳимоячилари бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қолмоқдалар. Ленин комсомолининг жанговар отряди — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг орденли комсомол ташкилоти бундан буён ҳам ўз олдида турган вазифалар даражасида бўлишига, комсомол жангчилар бундан буён ҳам бутун кучларини Ватаннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашдан, Совет Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини оширишдан иборат олижаноб ишга сарфлайверишларига шак-шубҳа йўқ.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали **А. А. Епишев** Армия ва Флот ёшларини ғоявий-сиёсий, ҳарбий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашда комсомол ташкилотларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида доклад қилди.

Партиямиз ёшлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш масалаларига нақадар зўр эътибор бериб келаётганлиги маълум, деди у, ёш авлодни ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш — шу ишнинг туб вазифаларидан биридир.

Докладчи ленинчи партиямизнинг қаҳрамонона тарихини, унинг ички ва ташқи сиёсатини, кўп қиррали бунёдкорлик фаолиятини, социалистик Ватаннинг мудофаа қудратини кучайтириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлигини бундан буён ҳам актив пропаганда қилиш, ёшларда Коммунистлар партиясига, унинг қаҳрамонона анъаналарига нисбатан фарзандлик меҳр-муҳаббатини тарбиялаш, комсомол сафларини унинг теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслаштириш зарурлигини таъкидлади. Пролетар социалистик интернационализми принципларини, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатини ёшларга тушунтириш борасидаги ишда комсомолнинг куч-ғайратини ошириш талаб этилади. Шахсий составни Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари жангчилари билан жанговар ҳамдўстлик руҳида тарбиялашни янада такомиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш шу ишнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

Пировардида армия генерали А. А. Епишев, кенгашда қўйилган масалаларни муҳокама қилиш ВЛКСМ ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир тавсияларни коллектив равишда ишлаб чиқиш имконини беради, деб ишонч билдирди. Бугун Ватаннинг юксак мукофотига сазовор бўлган Армия ва Флот комсомоли ҳарбий кенгашларнинг, командирлар ва сиёсий органларнинг, партия ташкилотларининг раҳбарлигида ўзининг қаҳрамонона йилномасига сўзсиз янги ёрқин саҳифалар ёзади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг бугун сўзлаган нутқи армия комсомоли учун, ВЛКСМнинг барча отрядлари учун программ аҳамиятга эгадир, деди ўз нутқида ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. М. Мишин.** СССР Қуролли Кучларининг комсомол ташкилотлари Ватан қудрати ва мудофаа қобилиятини кучайтиришга, тинчлик ишини мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўшмоқдалар. Аълочиларнинг, малакали мутахассисларнинг, ҳарбий иш усталарининг сафлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Комсомол ходимлари билан активлари шахсий составни ўқитиш ва тарбиялашда, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришиш учун таъсирчан социалистик мусобақани уюштиришда командирларнинг, сиёсий ходимларнинг, партия ташкилотларининг ишончли ёрдамчилари бўлиб қолдилар.

ВЛКСМнинг Ҳарбий-Денгиз Флоти, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари, чегара қўшинларига анъанавий оталиғи муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Комсомол ўзининг энг яхши тарбияланувчиларини жанговар кемаларда, ҳарбий қисмларда, чегара заставаларида хизмат қилиш учун юбормоқда. Йигит ва қизларни қаҳрамонлик-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш системаси такомиллаштирилмоқда. Комсомол ДОСААФ ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлашда, офицерлар корпусини тўлдиришда актив қатнашмоқда.

Сўзга чиққан кишилар ўртоқ К. У. Черненко нутқи уларда ўчмас таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапирдилар. Улар бутун совет халқи каби СССР Қуролли Кучларининг комсомоллари ҳам партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, чексиз қўллаб-қувватлаётганликларини, катта авлоднинг шонли жанговар анъаналарини муқаддас билиб асраб, кўпайтираётганликларини таъкидладилар. Армия ва Флот комсомоллари қисмлар билан кемаларнинг жанговар шайлигини янада оширишга, жангчиларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббусини йўналтиришни, Ватаннинг муқаддас чегараларини пухта ҳимоя қилишни ўзларининг ватанпарварлик вазифаси деб биладилар.

Комсомол ташкилотлари секретарларининг Умумармия кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).


МОЗАМБИ[К] ДИЁРИД[А] САМИМИ[Й] УЧРАШУВЛАР

АРАБ ХАЛҚЛАРИ[НИНГ] КУРАШИ БИ[ЛАН] БИРДАМЛИК

Дўстлик ва ҳамкорлик экрани

• СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ПУБЛИЦИСТИКАДАН КОМЕДИЯГАЧА



Роландо ДИАС,
кинорежиссёр, Куба.

— VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига уч қитъа экран асарлари киносанъатининг ранг-баранг жанрларида яратилган фильмлар тавсия этилган. Биз бу гал фестивалда расмий намойиш этиш учун комедия жанрида яратилган «Бехуда чумчуқ олиб қочмайди» фильмини олиб келдик. Картина ҳақидаги тасаввурларимизни ва фестивал қатнашчиларига ёрдам манзур бўлди. Унда оилавий драма орқали севишганларнинг ишқий саргузаштлари ҳикоя қилинади. Мен ўзим режиссёрлик қилган бу картинада ёш оила олдида турган муаммоларни комик йўналишда ҳал этишга ҳаракат қилдим.

Кубалик кинематографчилар фестивалнинг ҳужжатли экранига ҳам қатор фильмлар тавсия этишди. Улардан бири «Гренада: орзунинг парвози» деб номланади. Режиссёр Ригоберто Лопесо томонидан яратилган бу картинада жаноб Рейган бошлиқ Америка империалистларини н г озод Гренадага ҳужум қилиш учун тузган босқинчилик режалари, босқинчилик сиёсатини оқлаш учун бошқа мамлакатларга ёғдираётган туҳматлари фош этилади. Картина тарихий ҳақиқатни жаҳон халқларига ҳаққоний кўрсатиб берганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

1974 йили Эфиопияда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кризис етилиб, буюк революцион шароитни вужудга келтиради. Янги ҳокимият органлари, йирик саноат корхоналарини национализация қилиб, мамлакатнинг социал тараққиёт йўлини эълон қилди. КПСС XXVI съездида иштирок этган Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий совети раиси Менгисту Хайле Мариам «Эфиопия революцияси мунтазам равишда душманлар ҳужумига қарши курашмоқда», деган эди.

Бундай шароитда кино санъатини тараққий эттириш бошқа зарур ва долзарб масалалар ичида алоҳида ўрин тутади. Эфиопия ҳукумати халқ авлоднинг маънавий жиҳатдан шаклланишига жиддий эътибор беришимиз, уларнинг Ғарб фильмлари таъсирида тарбияланиши олдини олишимиз керак» деган эди. У мамлакатда СССР, ГДР, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатларнинг фильмлари кўпроқ намойиш этилаётганлиги ва ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаган эди.

Эфиопия кинематографияси ўзининг дастлабки қадамларини қўймоқда. 1979 йили давлат кино ташкилоти ҳисобланган Кино маркази тузилди. Марказ Эфиопия кинематографчилари ўзларининг бутун куч-ғайратларини ана шу вазифага қаратдилар. «Кино — тинчлик, социал-тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда» ижодий муносарасида сўзга чиққан Теклу Табор кўрсатиш, янги фильмлар яратиш, чет эл фильмларини сотиб олишни тартибга солиш бўйича ижодий иш олиб бормоқда. Ҳозирча кино ишлаш техникаси такомиллашмаганлиги фильмларни кўтариб чиқмоқда. Бу картиналарнинг кўпчилиги саводсизликни тугатиш проблемаларига бағишланган. Бошқа картиналарда эса уруш даври ва 1973 йилги қаттиқ қурғоқчилик пайтида етим қолган болалар тақдирига эътибор қаратилади. 1979 йили «Қураш —ғалаба, ғалаба — қураш» деб номланган рангли ҳужжатли фильм яратилди. Режиссёр Мишель Папатекснинг ушбу картинаси XI халқаро Москва кинофестивалининг конкурсли программасида намойиш этилган эди.

Эфиопия кинематографчиларининг бир қатор картиналари социалистик мамлакатларнинг экран усталари билан ҳамкорликда яратиляпти. Бу Эфиопия режиссёрлари ва экран усталари учун профессионал маҳоратларини оширишда ўзига хос ижодий мактаб бўлмоқда.

Эфиопия ҳукумати шаклланиш даврини бошдан кечираётган кино санъати ва саноатини ривожлантириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқда. Чунки кино мамлакатнинг социал ва маданий тараққиётида катта роль ўйнайди.

И. ФИЛИМОНОВА,
«Совэкспортфильм» Бутуниттифоқ бирлашмасининг редактори.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(ЭФИОПИЯ КИНОСИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР)



Т. Каримов фотоси.

СУРАТДА: Куба кинематографчилари «Узбекистон» меҳмонхонаси олдида.

VIII Халқаро Тошкент кинофестивали дўстлик ва ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик руҳида ўтмоқда. Фестиваль ҳамкасблар учрашуви, ижодий мунозараларга ҳам бой бўлмоқда. Бу учрашувларда экран усталари ўз ижодий маҳоратларини такомиллаштириш, кино санъатини тинчлик ва тараққиётга, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқдалар.

Александр ЧАКОВСКИЙ

Меҳрибон биринчи учрашув

—3—

Рузвельт Россиядан кўра ҳам унинг раҳбари Сталиннинг камроқ биларди. Президент Сталиннинг иқтисодий аҳволи ҳақидаги ҳисоботлари фақат унинг ақл-заковати ва темир иродасидангина иборат эмас, аввало революция ғалабасидан сўнг партиянинг қўллаб-қувватлаши натижаси эканлигини англамасди.

Турган гапки, Рузвельт Сталиннни аввало унинг ҳамкорларининг ғалабаси учун ҳурмат қиларди. Ҳ. Американинг, нафақат Америкаликларининг ўзи газеталарни ҳам Сталинга бағишлаган мақолаларини ўқиб, ундаги «ўзининг коммунистик ғояларини миллионлаб кишиларга зўрлик ўтказувчи диктатор» деб атадилар. Бу турган гап, чоризмни бўлмаганда ҳам лоақал капиталистик системани қайта тикламоқчи бўлганларга нисбатан ишда эди. Улар Сталинни зўравонга, маккор экстремистликка чиқариб қўйгандилар...

Рузвельтнинг ўзини ҳам нак Америкаликлар ўзлари диктаторга чиқариб қўймаганмидилар! Газеталарда карикатураларда президентни ажабтовур камерикалик христиан аёл орқали ўзининг ғоявий революцион ғояларини синаб кўраётган, кўзи ожиз чақирилган тентак профессор қилиб тасвирланганмидилар!! Фашистлар матбуоти Оқ уйнинг бу турумсимон кабинетида Қўшма Штатларни ўз ихтиёрига олишга интилаётган халқаро яҳудийлар ташкилотининг ҳаракатда бутун дунёга аъюҳаннос солаётган — Рузвельт бошчилигида йиғинлар ўтказаётгани ҳақида ёзганларини эслайсизми!

Эътибол, Сталин ҳақида ёзилаётган нарсаларнинг кўпи ҳақиқатга тўғри келар, тахмин қилди президент, у коммунистларни алоҳида ҳурмат қилмаса ҳам, ўнг газеталар коммунистларни ёмонлаётганларига ижоний қолмади. Рузвельтнинг Россияга ва Сталинга нисбатан муносабати қандай вужудга келиб, қандай ривожланганди! Равшанки, гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига ҳужуми ҳал қилувчи фактор бўлгандн. Бу ҳужумдан анча илгарироқ президент ўзининг прагматик ва сиёсий ўткир идроки орқали Гитлернинг режаси, ҳозирча ҳалн узоқроқ бўлса ҳам бутун дунёни, шу жумладан, Американи ҳам босиб олишдан иборатлигини тушунар эди.

Россия ҳатто ҳалн урушаётганида ҳам Германияга қаршн турувчи кучгина бўлиб қолмай, Америкаиинг Узоқ Шарқдаги потенциал рақиби Японнянн тўхтатиб турувчи фактор ҳам эди.

Бундан ҳам назарий, ҳам амалий хулоса чиқарнш керак эди. Вужудга келган халқаро вазнятда Совет Иттифоқнинн душман деб ўйлаш нодонлик бўлади. Рузвельтнинг эътиқодича, унн келажакда иттифоқчи сифатида билиш реалистик эди. Германиянинг Россияга ҳужуми унинг бу эътиқодини мустаҳкамлади.

Президент ўзининг фашизмнинг янги қурбонига нисбатан хайрнхоҳлигинн ошкор эълон қилишга ҳалн журъат қилолмасдн — президентнн кўп йиллар давомида ҳақоратлаб келаётган айюҳаннослар энди бадхоҳлик билан Россия мағлуб бўлажагинн каромат қила бошладилар. Қизил Армия қўшинларининг чекинишн ҳақидаги ҳар бир янги хабарни ўнг матбуотда «барҳам ейшининг бошланиши» сифатида ёзиларди; реакцион Америкаиинг «тоталитаторн»да Советларнинг тез кунлардаги ҳалокатига умид боғлардилар; гитлерчиларнинг шарққа томон олдинга силжишларн билан бу умдлар икки, уч марта ортиб борарди; бирн бирндан ўзишга интилган овозлар «Ўн кундан кейин!», «Икки ҳафтадан кейин!», «Йўқ, илгарироқ!», «Немислар Кремль деворн ёнида!», «Сталин Москвадан қочиб кетди!» дея жар солардн.

Аммо орадан бир, икки, уч ҳафта ўтдн. Реал Россия эса жанг олнб боришда давом этаверди.

Шундан сўнг Рузвельт Америка-Совет муносабатларининг бутун келажакдаги характерини белгилайдиган ҳал қилувчи қадам ташлаш вақти етди деган ҳулосага келди. Шунга тайёргарлик сифатида ўзининг энг яқин дўсти ва ёрдамчиси Гарри Гопкинсни Москвага юбордн. Гопкинс Сталин билан учрашиши ва унинг инсон ҳамда сиёсий арбоб сифатидаги жиҳатларн ҳақида маълумот олиб қайтиши керак эди. Гопкинс Америкага қайтиб келгач, дастлабки ойлардаги оғир муваффақиятсизликларга қарамай, Совет Иттифоқи Германияга қарши урушни давом эттира олади-ми ва бинобарин унга моддий-техника ёрдам кўрсатишнинг ҳожати борми деган кардинал саволга жавоб бериши лозим.

...О, Рузвельт Гопкинснинг қайтиб келишини қанчалар сабрсизлик билан кутдн. У Америкаиинг Россиядаги элчихонасидан келган шифровкаининг ҳар бир сўзини нечоғли диққат билан ўқирди. «Сталин томонидан қабул қилиндим...», «Суҳбат икки соат давом этди...», «Бир қатор келишувларга эришилди...», «Қайта Штатларга учаман...»

Аммо булар фақат сўзлар эди холос. Гопкинс, фақат тирик Гарри Гопкинснинг ўзигина бу саволларнинг ҳаммасига жавоб қайтариши мумкин эди.

Гопкинс тухумсимон кабинетга кирнб келганида Рузвельт ўз креслосида қийинчилик билан ярим ўгирилиб унн қучаркан, бундай деди:

— Мен сабрсизликдан ўртанмоқдаман, Гарри. Шунинг учун бундай келишиб олдимиз. Аввало мен савол берман, сен уларга фақат «ҳа» ёки «йўқ» деган сўзлар билан жавоб қайтарасан. Кейин сен менга қўшимча тарзда нима айтишни лозим кўрсанг, ҳаммасини айтиб берасан. Менда эҳтимол янги саволлар туғилар. Демак, бошладик. Сталин қандай одам ўзи, жиддийми!

— Ҳа, — жавоб қайтарди Гопкинс столининг нарнги томонидаги креслога ўтирар экан.

— У ҳарбий ишларда етарли билимдонми, армия ва халқ унн қўллаб-қувватлайдими!

— Ҳа.

— Россия немисларининг тазйиқига бардош бера оладими! Таслим бўлмайдими! Сталин Гитлер билан сепарат сулҳ тузиши мумкинми!

— Бу бутун бошлиқ учта савол. Биринчи саволга «Ҳа», иккинчи ва учинчи саволларга «йўқ» дея жавоб қайтараман.

— Сталин бизнинг ёрдамимизга муҳтожми!

— Ҳа.

— Раҳмат, Гарри,— енгил нафас олди Рузвельт. У энг муҳим, ҳал қилувчи «ҳа» ва «йўқ» жавобларнни эшитгандн.

Рузвельт Гопкинснинг жавоблари оҳангига ҳам диққат билан эътибор қилар, унинг юз ифодасига ҳам тикилар эди. Гопкинснинг сўнгги «йўқ» сўзини эшитгач, Рузвельт янада кўпроқ тоқатсизлана бошладн.

— Мана энди ҳаммасини қайта бошдан сўзлаб бер,—деди президент талабчанлик ва айни вақтда дўстона жилмайиш билан. У Гопкинсга янада яқинроқ бўлиш учун стол устига энгашди.

—4—

нинг Совет Иттифоқига ҳужумн ҳал қилувчи фактор бўлгандн. Бу ҳужумдан анча илгарнёқ президент ўзининг прагматик ва сиёсий ўткир идроки орқалн Гитлернинг режаси, ҳозирча ҳалн узоқроқ бўлса ҳам бутун дунёни, шу жумладан, Американн ҳам босиб олишдан иборатлигини тушунар эди.

Россия ҳатто ҳалн урушаётганида ҳам Германияга қаршн турувчи кучгина бўлиб қолмай, Америкаиинг Узоқ Шарқдаги потенциал рақиби Японнянн тўхтатиб турувчи фактор ҳам эди.

Бундан ҳам назарий, ҳам амалий хулоса чиқарнш керак эди. Вужудга келган халқаро вазнятда Совет Иттифоқнинн душман деб ўйлаш нодонлик бўлади. Рузвельтнинг эътиқодича, унн келажакда иттифоқчи сифатида билнш реалистик эди. Германиянинг Россияга ҳужумн унинг бу эътиқодини мустаҳкамлади.

Президент ўзининг фашизмнинг янги қурбонига нисбатан хайрнхоҳлигинн ошкор эълон қилишга ҳалн журъат қилолмасдн — президентнн кўп йиллар давомида ҳақоратлаб келаётган айюҳаннослар энди бадхоҳлик билан Россия мағлуб бўлажагинн каромат қила бошладилар. Қизил Армия қўшинларининг чекинишн ҳақидаги ҳар бир янги хабарни ўнг матбуотда «барҳам ейшининг бошланиши» сифатида ёзиларди; реакцион Америкаиинг «тоталитаторн»да Советларнинг тез кунлардаги ҳалокатига умид боғлардилар; гитлерчиларнинг шарққа томон олдинга силжишларн билан бу умдлар икки, уч марта ортиб борарди; бирн бирндан ўзишга интилган овозлар «Ўн кундан кейин!», «Икки ҳафтадан кейин!», «Йўқ, илгарнроқ!», «Немислар Кремль деворн ёнида!», «Сталин Москвадан қочиб кетди!» дея жар солардн.

Аммо орадан бир, икки, уч ҳафта ўтдн. Реал Россия эса жанг олнб боришда давом этаверди.

Шундан сўнг Рузвельт Америка-Совет муносабатларининг бутун келажакдаги характерини белгилайдиган ҳал қилувчи қадам ташлаш вақти ет-

—5—

ди деган ҳулосага келди. Шунга тайёргарлик сифатида ўзининг энг яқин дўсти ва ёрдамчиси Гарри Гопкинсни Москвага юбордн. Гопкинс Сталин билан учрашиши ва унинг инсон ҳамда сиёсий арбоб сифатидаги жиҳатларн ҳақида маълумот олиб қайтиши керак эди. Гопкинс Америкага қайтиб келгач, дастлабки ойлардаги оғир муваффақиятсизликларга қарамай, Совет Иттифоқи Германияга қаршн урушни давом эттира оладими ва бинобарин унга моддий-техника ёрдам кўрсатишнинг ҳожати борми деган кардинал саволга жавоб бериши лозим.

...О, Рузвельт Гопкинснинг қайтиб келишини қанчалар сабрсизлик билан кутдн. У Америкаиинг Россиядаги элчихонасидан келган шифровкаининг ҳар бир сўзини нечоғли диққат билан ўқирди. «Сталин томонидан қабул қилиндим...», «Суҳбат икки соат давом этди...», «Бир қатор келишувларга эришилди...», «Қайта Штатларга учаман...»

Аммо булар фақат сўзлар эди холос. Гопкинс, фақат тирик Гарри Гопкинснинг ўзигина бу саволларнинг ҳаммасига жавоб қайтариши мумкин эди.

Гопкинс тухумсимон кабинетга кирнб келганида Рузвельт ўз креслосида қийинчилик билан ярим ўгирилиб унн қучаркан, бундай деди:

— Мен сабрсизликдан ўртанмоқдаман, Гарри. Шунинг учун бундай келишиб олдимиз. Аввало мен савол берман, сен уларга фақат «ҳа» ёки «йўқ» деган сўзлар билан жавоб қайтарасан. Кейин сен менга қўшимча тарзда нима айтишни лозим кўрсанг, ҳаммасини айтиб берасан. Менда эҳтимол янги саволлар туғилар. Демак, бошладик. Сталин қандай одам ўзи, жиддийми!

— Ҳа, — жавоб қайтарди Гопкинс столининг нарнги томонидаги креслога ўтирар экан.

— У ҳарбий ишларда етарли билимдонми, армия ва халқ унн қўллаб-қувватлайдими!

— Ҳа.

— Россия немисларининг тазйиқига бардош бера оладими! Таслим бўлмайдими! Сталин Гитлер билан сепарат сулҳ тузиши мумкинми!

— Бу бутун бошлиқ учта савол. Биринчи саволга «Ҳа», иккинчи ва учинчи саволларга «йўқ» дея жавоб қайтараман.

— Сталин бизнинг ёрдамимизга муҳтожми!

— Ҳа.

— Раҳмат, Гарри,— енгил нафас олди Рузвельт. У энг муҳим, ҳал қилувчи «ҳа» ва «йўқ» жавобларнни эшитгандн.

Рузвельт Гопкинснинг жавоблари оҳангига ҳам диққат билан эътибор қилар, унинг юз ифодасига ҳам тикилар эди. Гопкинснинг сўнгги «йўқ» сўзини эшитгач, Рузвельт янада кўпроқ тоқатсизлана бошладн.

— Мана энди ҳаммасини қайта бошдан сўзлаб бер,—деди президент талабчанлик ва айни вақтда дўстона жилмайиш билан. У Гопкинсга янада яқинроқ бўлиш учун стол устига энгашди.

—6—

— «Ҳаммасини» деганингиз нимаси! — кифтларини қисиб сўрадн Гопкинс.

— Сенга нима бўлган ўзи, менинг устимдан кулялсанми, нодон!! Менн худдн ўша ҳамма нарса — ишнинг моҳиятн, жами деталлар қизиқтираётганини наҳотки тушунмаётган бўлсанг! Сен Сталиннинг ҳузурига қандай кирдинг! У сенн қандай қабул қилдн! Узинн қандай тутдн! Россия тушиб қолган ҳолатнинг жиддийлигини камайтириб кўрсатишга урингдимн! Руслар бизлардан аннқ нималар, қандай қуроллар олишни мўлжалламоқдалар! Қисқаси, сен ойдан қайтиб келдинг-ку, менга ойнинг сатҳи қаттиқлигинингина билиш камлнк қиляпти... Фактлар, деталлар, энг майда тафсилотлар — мен сендан шуларнн кутяпман! Қанн, ҳамма билганларингни айтиб бер!..

Ўша суҳбатдан бери деярли тўрт йил ўтдн. Ўтганда ҳам жўн тўрт йил эмас! Мана энди Рузвельт америка-совет муносабатларининг тараққиёт йўлларн ва давърларн ҳамда муддатларинн хотирасига тиклаб, мулоҳазадан ўтказиб, ёзув столи ёнида ўтирибдн. Буларнинг ҳаммасн Сталининнинг гиналарига қайтарилажак жавоб тараддудн эди.

Семнер Уэллзнинг «Ҳал қилувчи вақт» китоби Рузвельтнинг тизза-сн устида ётар, кўзларн юмилган эди.

У тингламоқда эди. Кимни! Қалбларга таъсир этувчи ўз додинн ва илтижоларнни парвардигорга етказувчи спнрнчуэлзнн ҳалн ҳам кўлашнн давом қилаётган негр Жексоннмми!

Йўқ, президентнинг қулоқларида бошқа овоз — Гарри Гопкинснинг овозлари жаранглар эди.

Баногоҳ унда Гарри Гопкинс билан суҳбатлашишдек кучли иштнёқ пайдо бўлди. Президентга чексиз содиқ бўлган бу одам ўз маслаҳатларн билан кўп марта ёрдам қилган эди. Фақат маслаҳатларн билангина эмас. Оқ уй билан Кремль ўртасида кўзга кўринмас нп торган ҳам шу Гопкинс бўлганди.

Ҳа, ҳаёт шуни кўрсатдики, ҳамиша ҳам бу нп мустаҳкам бўлавермагандн, бу нп ҳар хил: объектив ёки субъектив сабаблар билан узилиб тургандн, бу нпни бир неча марта Черчилль уздн, унн ё шахсан Рузвельт ёки ҳамиша содиқ бўлган Гарриннг ўзи улагандн...

Гопкинс... Рузвельтнинг душманларн «гўр кардинал» деб аташган Гопкинс президентга шу қадар зарур одам «ҳамиша ёнда» бўлиш учун ҳатто узоқ вақт давомида Оқ уйда яшадн...

Эҳ, қаннйдн ҳозир Рузвельт Сталинга юборнладнган жавоб ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан Гарри билан маслаҳатлаша олсайди!..

Аммо Гопкинс Уорм-Спрингздан юзлаб миль олнсда, Миннесота штатида жойлашган Рочестердаги «Мэйо Клиникн» касалхонасида ётардн.

«Йўқ, ҳеч кнм Гарриннг ўрнини босолмайди. У Сталинни билар, у билан ҳар хнл шароитларда: руслар ҳалокат ёқасида бўлганларида ҳам, ғалаба қилганларида ҳам суҳбатлашган, Ялтадаги

—7—

конференцияда — мен бунн кўрдим! — Сталин Гопкинсга давлат секретарига кўрсатмладигандан ҳам кўра кўпроқ эътибор кўрсатди... Мен Гопкинсга қандай савол беришим керак! Ундан иккинчи фронт очиш борасида қанча кўп ишлар қилганимни эслатиш орқалн Сталиннн жаҳлндан тушириш мумкинми деб сўрайман. Мазкур далнл қаршисида наҳотки Сталиннн дилн юмшамаса!..»

Иккинчи фронт! Бу сўзларда Англия ва Америка томонидан кўп марта алданган, тузилган битимларга қарамай алданган Россия билан келишмовчнликларнинг моҳнятн жамланган. Ҳа, Ғарб билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар мураккаб эдн. Ҳа, албатта, Сталин президентга ўзининг норозликлар ва ғазаб тўла сўнггн мактубини ёзди. Рузвельт иттифоқчилар Сталиннн бир неча бор алдаганликларнинн ҳам эслардн. Иккинчи фронтни очиш муддатнини чўзиб, энг муҳим масалаларда алдадилар, ҳарбий ёрдам муддатларини бузиб, моҳнятн камроқ масалаларда ҳам алдадилар...

Ҳолбуки ўша вақтлар Россия Украинанинг ярмндан кўпнни йўқотган ва Ленинград остоналарида душман билан жанг қилаётган эдн.

— «Йўқ,— ўйладн президент,—биз Черчиллсиз иккинчи фронтни очишимиз мумкин эмас эдн. Хўш, унн мажбур қилинса бўлмасмнди! Қанақа «мажбур қилиш!» — орланиш ва қаттиқ алам билан дедн ўзига ўзи Рузвельт, — унинг ўзи Черчиллнинг иккинчи фронт очиш муддатнни мумкин қадар кечиктиришн йўлндаги ўринишларини пинҳона қувватлаган эмасмнди! «Лекин ҳар қалай!.. Агар Сталин билан авал учрашганимда, агар такаббур ва вайсақи Черчилль эмас, ўзим Сталин билан гаплашиш имконнятига эга бўлганимда эдн...».

Аммо президент бундай имконнятга фақат 1943 йилдагина муяссар бўлдн.

Рузвельт Техрондан тетик, хурсанд, куч-қувватга тўла, Сталин унга инсбатан дўстона муносабатда бўлганлиги, ораларида ҳеч қандай инфоқ чиқмаслигига ишонган кайфнятда қайтиб келдн.

Мана, учрашув бўлнб ҳам ўтдн. «Йўқ, йўқ, бунга ишонш қнйин!— дедн ўзига ўзи президент.— Техронда рўй берган ҳамма нарса ёдимда. Биринчи учрашувимизни унутганим йўқ. Менн эшёрат қилган Сталин шундайгина кўз олдимда турибдн, овозини ҳам эшитаётгандайман...»

(Давоми бор).

САҲНАДА «ОТЕЛЛО» СПЕКТАКЛИ

ПРЕМЬЕРА АРАФАСИДА

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри коллективи В. Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини тез орада пойтахт томошабинлари эътиборига ҳавола этади. Шу кунларда премьерага тайёрланаётган спектаклни СССР халқ артисти, Вахтангов номли Москва академик театрининг бош режиссёри, СССР халқ артисти Е. Симонов саҳналаштирди.



Театр коллективи ушбу трагедияга яна мурожаат этганлиги бежиз эмас. Ҳамза номли театр ижодкорларининг Шекспир асарларини саҳналаштиришда ўзига хос тажрибаси ва ижодий анъаналари бор. Шунинг учун ҳам мана чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён томошабинлар орзиқиб кутаётган «Отелло» спектаклини яна театр репертуарига киритишга қарор қилинди.

Албатта, машҳур саҳна асарини юксак диди ли томошабинларга манзур бўладиган даражада ижро этиш ҳар бир санъаткордан катта маҳорат талаб этади. Ҳамза номли театр коллективида эса иттифоқимизга машҳур кўпгина саҳна усталари ижодий меҳнат қилишмоқда. Театр ижодкорлари талантли совет режиссёри Е. Симонов раҳбарлигида фахрли вазифани бажаришга бел боғлашди. Ўзига асосий ролларни ижро этиш топширилган республика халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун, Азизов, республикада хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова, солист Тўлқин Тожиев ва бошқа актёрлар катта меҳнат қилишди. Томошабинлар театр ижодий коллективининг янги саҳна асарига катта умид билан қарашмоқда. Ўйлаймизки, тез орада Ўзбекистон пойтахти томошабинлари ва меҳмонларига ҳавола этиладиган «Отелло» спектакли санъат мухлислари севиб томоша қиладиган саҳна асарларидан бири бўлиб қолади.

СУРАТДА: Ҳамза номли театрнинг «Отелло» спектаклидан саҳна. Отелло ролида Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотн лауреати Турғун Азизов.

В. Молгачев фотоси.

Студентлик билетини олиш ҳуқуқи

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги 1984 йилда олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларини тасдиқлади. Министрликда ТАСС мухбирига хабар қилишларича, бу қоидаларга киритилган қўшимчалар умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан келиб чиқадиган вазифаларни ифодалайди.

Янги қоидалар муаллимларни ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини тайёрловчи олий ўқув юртларига кираётган ёшларни танлаб олишни яхшилашга кўмаклашади. Энди педагогика институтларига ва университетларнинг педагогика бўлимлари ёки факультетларига мактабларнинг, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари педагогика кенгашларининг, халқ маорифи органларининг, меҳнат коллективлари ва комсомол комитетларининг тавсиясига мувофиқ мазкур олий ўқув юртларига юборилган кишилар уларга биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Олий ўқув юртларининг ҳунар-техника билим юртлари учун муаллимлар тайёрловчи факультетлари қоида тариқасида ўрта махсус ўқув юртларини ва ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан кишиларни, шунингдек ишлаб чиқариш ихтисосига эга бўлган ва педагогик ишига майил қўйган ишчи ҳамда қишлоқ ёшларини, запасга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни қабул қилади.

Ўрта педагогика маълумоти ва камида бир йил педагогик иши стажи бўлган ўқитувчилар, тарбиячилар ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари учун имтиёз жорий этиладн. Улар халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органларининг йўлланмаси-

АБИТУРИЕНТ-84

га мувофиқ педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими мастерларини тайёрловчи олий ўқув юртларига имтиҳонларнинг натижаларига қараб эмас, балки суҳбатлашув асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга қабул қилинадилар.

Янги қоидаларга мувофиқ, олий ўқув юртига қабул қилиш пайтида ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг ўртача балини ҳисобга олиш тўғрисидаги қоида бекор қилинади. Бундан буён конкурс абитуриентларнинг кириш имтиҳонларида олган баҳоларини ҳисобга олиб ўтказилади.

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан тугаллаган кишилар, шунингдек ўрта ҳунар-техника ва махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган кишилар, аввалги йилларда бўлгани каби, олий ўқув юрти томонидан белгиланган фақат битта имтиҳонни топширадилар. Бу имтиҳонни «беш» баҳога топширган абитуриент қолган кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади, «тўрт» ёки «уч» баҳо олган тақдирда ҳамма фанлар бўйича имтиҳонларни топширади.

Ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатида фақат яхши ва аъло баҳолари бўлган кишилар иккита имтиҳон топширадилар. Камида тўққиз балл олган абитуриент студентликка қабул қилинади. Жуда етишмаётган ихтисосларга кирувчи мана шу категориялардаги кишилар эса иккита предметдан имтиҳон топширганидан кейин камида саккиз балл олса, кейинги имтиҳонлардан озод қилинади.

Янги қоидалар қабул комиссияларини ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларини тугаллаётган ёшларнинг ҳунар тайёргарлигини эътиборга олишга ундайди. Бу ўқув юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган ёки ихтисос бўйича белгиланган муддат давомида ишлаган кишиларга турдош ихтисосдаги олий ўқув юртларига конкурссиз кириш ҳуқуқи берилди.

БИРДАМЛИК КЕЧАСИ

УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти инглиз тили факультетининг студентлари иррнгация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида таълим олаётган студент-ёшлар билан ҳамкорликда «Тинчлик, дўстлик, демократия ва социал тараққиёт учун» шиори остида бирдамлик кечасини ўтказдилар. Кечада афғонистонлик, никарагуалик, эфиопиялик, кубалик, яманлик, гвинеялик ва суданлик студентлар иштирок этдилар.

Хорижий студент-ёшлар институт профессор-ўқитувчилари, студентлари билан суҳбатлашдилар, фан кабинетлари билан таништдилар. Никарагуалик Хенрес Гонсалеснинг «Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги нутқи, никарагуалик Кисес Эрнандесннинг «Галаба куни» қўшиғи, суданлик Саад Али Аваднинг «Тинчлик ва болалар бахти ҳақида»ги шеърлари диққатэътибор билан тингланди.

Кечанинг иккинчи қисмида институт бадиий ҳаваскорлари ва чет эллик студент-ёшлар ижросида рус, ўзбек, инглиз, испан, озарбайжон, афғон, арабча ва шотландча куй ва қўшиқлар янгради.

Учрашув сўнггида хорижий студентлар институт қошидаги инглиз Ж. М. Меленевский раҳбарлигидаги Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихи музейн экспонатлари билан яқиндан танишдилар ва музейнинг «Хотиралар дафтари»га ўзларининг дил сўзларини ёзиб қолдирдилар.

С. РИЗАЕВ.

• ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИКЛАРИ

ТОҒЛАРДАГИ ЁҚУТ ПИЁЛА

Мен она табиатнинг гулчечакларини жуда севаман. Лола қандай гул, унинг қанақа турлари бор?

Ш. ИНОМХЎЖАЕВА, студент.

Наботот олами ранг-баранглиги билан она табиатни безайди. Шулардан бири — қуёш парчасидек ловиллаб очилиб турган лолалардир. Бу наботот оламининг пиёздошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркумига киради. Дунёда лоланинг 140 дан ортиқ тури бор. Ватанимизда лоланинг 83, Ўрта Осиёда 63, республикамизда 23 тури учрайди.

Лоланинг пиёзи туҳумсимон, ромбсимон, шарсимон. Диаметри 2,5—4,0 сантиметр, ранги очқўнғирдан тўқ қўнғиргача бўлади. Лола асосан адир ва тоғли жойларда ўсади. Унинг қизил ва тарғил деган тури гулларининг ёирик ва нафислиги билан бошқа лолалардан фарқ қилади.

Лола март-апрель-май ойларида гуллайди, июнь-июль ойларида мева тугади. Кауфон лола Ўрта Осиёда кўп учрайди. У бошқа турларидан рангининг хилма-хиллиги, вегетатив кўпайиши ва эрта гуллаши билан фарқланади. Пояси 20—30, баъзан 50 сантиметргача, барглари 2—3 та чўзиқ бўлиб, тожбаргларининг узунлиги 8 сантиметргача етади, ранги ҳар хил: ўртаси сариқ, чети сарғиш ёки оқиш бўлади. Меваси кўсакча, эни 1,5 — 2,0 сантиметр, узунлиги 3— 6 сантиметр. Лола асосан, тошли ва чағир тошли қояларда яхши ўсади. Уруғи ҳамда пиёзидан кўпайтирилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида биология фанлари доктори профессор З. П. Боганцева раҳбарлигида етиштирилган Ал. Хоразмий, Беруний, Нодира, Данте, Лондон каби жаҳонга машҳур лола навлари бор. Ёввойи турлари тўфайли бизда юзлаб экма-маданий лола навлари етиштирилган.

Тоғларга, қир-адирларга саёҳатга чиққанда табиат бағридаги гул-лолаларни, ноёб ўсимликларни пайҳон этмаслик, узиб-юлиб нобуд қилмаслик керак. Шоирларимиз «ёқут пиёла» деб таърифлаган лолаларни терганда ҳар бир тупида икки-учта барг қолдириб узиш лозим, илдизи билан қўпориб олинса ўрнида келаси йили лола ўсмайди. Бу билан биз ўзимиз севган табиат инъомини йўқотган бўламиз.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ, биолог.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

29 МАЙ, 1984 й.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

СССР МИҚЁСИДА ПОЧТА ОРҚАЛИ ЖЎНАТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТУРДАГИ ВА КАТЕГОРИЯДАГИ ПОЧТА ЙЎЛЛАНМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— хатлар ва бандероллар (оддий, заказли, баҳоли);
— почта карточкалари (оддий, заказли);
— посилкалар (одатдаги ва баҳоли);
— пул переводлари (почта ва телеграф орқали жўнатилувчи);
— совға маҳсулотлари учун пул-перевод-буюртмалари (почта ва телеграф орқали жўнатилувчи);

Баҳоси кўрсатилган посилкалар жўнатувчининг хоҳишига кўра юборилаётган нарсаларни рўйхатдан ўтказган ҳолда жўнатилиши мумкин.

Баҳоси кўрсатилган хат ва бандероллар жўнатилаётган нарсалар рўйхатини тўлдириш билан очиқ ҳолда тақдим этилади.

Барча суғуртали почта йўлланмаларини оширилган баҳо билан жўнатишингиз мумкин.

Ҳисобга олинувчи почта йўлланмалари адресатга топширилганлиги ҳақида хабар бериш шарти билан жўнатиш учун қабул қилиниши мумкин.

Оддий, заказли, баҳоли хатлар авиапочта орқали жўнатилади, Тошкент области адресларига юборилган хатлар бундан истисно, улар ер устида юрувчи транспорт орқали жўнатилади.

Оддий шахслардан мева ва сабзавотлар солинган посилкалар (ҳар бирининг оғирлиги 8 килограммдан ошмаслиги лозим) — кўпи билан иккита посилка — 1 майдан 15 ноябргача бўлган даврда қабул қилинади.

Мева ва сабзавотларни ҳаво ўтмайдиган қилиб беркитилган идишларда, шу жумладан полиэтилен халталарда жўнатманг.

Бир посилкада меваларни бошқа нарсалар (саноат маҳсулотлари, озиқ-овқатлар ва шу кабилар) **билан жўнатиш мумкин эмас.**

Алоқа органлари жўнатувчи томонидан посилкаларни қадоқлаш ва жўнатиш қоидаларига риоя қилинмагандиги сабабли посилка ичидаги маҳсулотларнинг бузилганлиги учун моддий жавобгар ҳисобланмайди.

Барча почта йўлланмаларининг адреси аниқ ёзилиши лозим, бунда қабул этувчи ва жўнатувчи адресига олти рақамли почта индекси кўрсатилиши шарт.

Хатларни 114х162 мм, 162х229мм, 229х324 мм ҳажмдаги стандарт конвертларда жўнатиш керак.

Бошқа ҳажмдаги конвертларда жўнатилаётган хатлар қайтариб юборилади.

Бадиий адабиётларни баҳоли бандероль қилиб жўнатишни тавсия қиламиз.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ.

155-ШАҲАР ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ЭЛЕКТР КЎПРИКЛИ КРАН МАШИНИСТИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқишга 17,5 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 6 ой. Ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА ҚАТНАЙДИГАН ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ. 17,5 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—10 ой. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ВА РЕФРИЖЕРАТОРЛИ ПОЕЗДЛАРНИНГ МЕХАНИГИ. 17 ва ундан катта ёшда бўлган ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади. Ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар эса ҳар ойда 72 сўмдан стипендия оладилар. Ўқиш муддати — 1,5 йил.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЁРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИК ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СОВУТИШ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, 15 ва ундан катта ёшда бўлган камида 8-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида моҳир тренерлар раҳбарлигида спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртини тугатганларнинг ҳаммаси темир йўл ишчилари учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар, жумладан Совет Иттифоқининг хоҳлаган пунктига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Черняков кўчаси, 12-уй, (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Главташкентстрой»нинг 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, сувоқчилар, мастерлар, прораблар.

Елғизларга ётоқхонадан жой берилади.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.

Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.

Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.

Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси 270-уй.

Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.

Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛАМИЗ

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

УЙДА ИККИТА ТЕЛЕВИЗОР БЎЛСА

УЛАРДАН БИРИ КЎЧИРИБ ЮРИШ МУМКИН БЎЛГАН — «ЭЛЕКТРОНИКА Ц-432» БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ. УНИ ИСТАЛГАН ЖОЙДА, ҲАТТО ОШХОНАДА ҲАМ ЎРНАТИШ МУМКИН, ЧУНКИ УЙ БЕКАСИ КЎПГИНА РАҚТНИ ШУ ЕРДА ЎТКАЗАДИ.

«ЭЛЕКТРОНИКА» Ц-432» командировкада, шаҳардан четга чиқиладиган саёҳатга сизга ҳамроҳ бўлади.

Кўчириб юриладиган рангли тасвирдаги «ЭЛЕКТРОНИКА Ц-432» телевизори 12 каналнинг исталганида рангли ва оқ-қора тасвирдаги эшиттиришларни барқарор қабул қила олади.

ҚУВВАТ ОЛИШИ УНИВЕРСАЛ (ўзгарувчан ток тармоғидан — 220 В кучланишдан, 12 В кучланишини ўзгармас ток манбаидан).

Баҳоси — 470 сўм.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ телефон (33-78-34).





ЯНА БИР БОР СУМКАЛАР ҲАҚИДА

Турли хилдаги катта ва кичик, кундалик ва театр учун, пляжга ва уй-рўзғорда фойдаланиладиган, спорт ва студентлик сумкаларининг қанчалик зарурлиги ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Сумкалар бизнинг ажралмас ҳамроҳимизга айланган: биз уни ишга, театрга, меҳмонга борганда бирга олиб чиқамиз. Командировкада ва отпуска чоғида ҳам сумкага эҳтиёж сезамиз. Хуллас, сумкасиз бирор ишни битириб бўлмайди!

СИЗГА СУМКА КЕРАКМИ?

УНДА БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ. БУ ЕРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАНГАН ТУРЛИ ҲАЖМЛИ, РАНГ-БАРАНГ ВА ХИЛМА-ХИЛ ШАКЛДАГИ СУМКАЛАР САВДОГА ҚЎЙИЛГАН.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«ДАСТУРХОНДА ПИРОГ СИЗГА МУНТАЗИР»

Оширилган ёки қумоқ-қумоқ қилиб тайёрланган хамирга картошка ёки карам, қулупнай ёки олча қўшиб пиширилган пирог ҳамиша хушхўр, хушбўй ва лаззатли бўлади.

Бундай таомларни тайёрлашнинг сири нимада? Уй бекаларидан бу ҳақда сўрасангиз, улар шундай жавоб беришади: «Хамир маргаринда қорилган»! Шунинг учун ҳам майин, бефубор ва узоқ вақт давомида қотиб қолмайди.

Маргарин таркибига юқори навли мойлар, ўсимлик мойи, сут, шакар, витаминлар киради. Маргарин таркибида бор бўлган эмульгатор моддалари хамирнинг таркибини яхшилайди, пиширилган таомнинг бефубор лигини оширади.

Торт, рулет, лаззатли булочка ёки пирог тайёрлаш учун ишга киришганингизда маргарин сотиб олишни унутмангиз!

ТАРКИБИГА МАРГАРИН ҚЎШИЛАДИГАН ЛАЗЗАТЛИ ТАОМЛАРНИНГ БИР НЕЧА РЕЦЕПТИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

КАРАМ ДЎЛМАЛИ ПИРОГ

Хамиртурушни иссиқ сутга қориб юмшатасиз, ярим стакан ун қўшиб хамир қорасиз. Хамир солинган идишни сочиқ билан ёпасиз ва иссиқ жойга қўясиз. Хамир ошгандан кейин, унга кўпчитилган тухум, туз, шакар кукуни, қайноқ сут, эритилган маргарин (ярим стакан) қориб, унга яна икки стакан ун қўшиб яхшилаб қориштирасиз,

Шундан кейин хамирни бошқа идишга олиб ёясиз, устидан ун сепасиз, сочиқ ёпасиз, иссиқ жойга қўйиб тиндириб қўясиз. Хамирнинг ҳажми 2—3 баравар кўпайиб ошгандан кейин уни ошлайсиз. Шундан кейин хамирни бўлакчаларга ажратиб ёясиз, ёғ суртилган патнисга қўясиз, устидан карам дўлмасини қўясиз, хамир увоқлари билан безайсиз, 15—20 минут давомида яна бирмунча тиндириб қўясиз, устидан кўпчитилган тухум суртасиз ва духовка шкафига 40—50 минут давомида пиширасиз.

Карам дўлмаси қуйидаги тарзда тайёрланади: дуркун карамни яхшилаб ювасиз, майдалаб тўғрайсиз ва ёғда доғлаб оласиз, ҳамда сут қўшасиз. Тайёр бўлган карам дўлмасига пишган тухум бўлакларини соласиз, туз сепиб яхшилаб аралаштирасиз.

1 килограмм хамир учун: 1 килограмм карам, ярим стакан сут, ярим стакан маргарин, таъбга яраша туз керак бўлади.

АСАЛ ТОРТИ

Кичик кастрюлькага 2 ош қошиғида асал соласиз ва оловда қайнаб кетмасдан эритиб оласиз. Қизиб турган асалга ярим чой қошиғида ош содасини соласиз. Асални алангадан олиб бироз тиндириб қўйинг. 2 дона тухумни чақиб кўпчитасиз. Ҳаммасини аралаштирасиз: асал, кўпчитилган тухум, маргарин, шакар кукуни, шундан кейин ун сепасиз ва яхшилаб аралаштириб хамир қорасиз, бешта тенг бўлакка бўласиз.

Хамир бўлагини қўлда ишлов бериб чиройли шаклга келтирасиз, ўсимлик мойи суртилган товага қўйиб духовка шкафида 270 даражада иссиқда пиширасиз.

Таом тайёр бўлиш жараёнида унинг чеккаси куйиб кетмаслиги лозим. Торт қанчалик оқроқ пиширилган бўлса, унинг лаззати ҳам шунча юқори бўлади. Қотиб қолган терисини ён томондан пичоқ билан оҳиста қирқиб оласиз. Кесиб олинган терисини майдалаб тортнинг устига сепасиз.


Крем учун совутилган қаймоқ оласиз, уни унча катта бўлмаган кастрюлькага соласиз, устидан шакар кукунини сепиб бир хилда пўрсилдоқ масаллиқ ҳосил бўлгунча кўпчитасиз.

Тортнинг ҳар бирини крем билан безакланг. Тайёр бўлган тортни 3—4 соат давомида салқин жойда қолдирасиз. Шунда торт кремни ўзига сингдириб олади ва лаззатли ҳамда майин таомга айланади. Шундан кейин тортни холодильникка қўясиз.

Хамир учун: икки ош қошиғида асал, 1 дона тухум, ярим чой қошиғида сода, 100 грамм маргарин, 3 стакан ун, ярим стакан шакар.

Крем учун: 500 грамм қаймоқ, 1 стакан шакар кукуни, 1 чой қошиғида ванилин.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДА «МОЛОЧНИЙ», «СТОЛОВИЙ», «СОЛНЕЧНИЙ» ҚАДОҚЛАНГАН МАРГАРИНЛАРИ БОР.



МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

1— Спутник массиви, Марказ-3 квартали, 5-уй;
2—Спутник массиви, 6-квартал, 39-уй;
12—Спутник массиви, 5-квартал, 30-уй;
4—Спутник массиви, 16-квартал, 72-уй;
9—Сергели-2 массиви;
10—Чоштепа кўчаси;
22—Сергели-3 массиви;
6— Қўйлиқ -5 «Б» массиви, 114-уй,

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 58-36-29).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

сешанба

29 МАЙ

● МТ I

18.45 В. И. Ленин Марказий музейининг 60 йиллигига.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Мен қўшиққа борлиғимни бахш этдим». Фильм-концерт премьераси.
20.25 «Нима? Қаерда? Қачон?»
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. ГДР—СССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Болалар яшнасин». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00—20.30 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР — Япония терма командалари.
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Ирландия). 1- ва 2-сериялар.
23.40 Камондан ўқ отиш бўйича «Баҳор камалаклари» халқаро мусобақалари.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Жаҳон адабиёти дурдоналари». А. Навоий. «Ҳайратул-Аброр».
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Навоий номли Давлат академик Катта театри балет солистларининг концерти.
21.15 «Мўъжиза-пчёла». Ҳужжатли фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Агросаноат комплекси: тажриба ва муаммолар».
22.25 «Озодлик — нақадар шарин сўз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Қизиқувчилар экрани».
19.00 Ўқув программаси (рус.).
19.30 «Самарадорлик, сифат, тежамкорлик».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 2-серия (рус.).
21.30 МТ II

чоршанба

30 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 Ш. Амиров чалади (балалайка).
10.35 Илмий-оммабоп фильмлар: «Инженерлар керак», «Ҳосил қанча туради?»
11.10 «Ўсмирлар жодуи».
11.40 «Саёҳатчилар клуби».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Болгар электроникаси» (БХР), «Танишинг, Кведлинбург» (ГДР), «Яшаш учун жой» (ЧССР), «Ҳар баҳор учун» (РСР).
16.05 Бошқирдистон бадиий коллективларининг концерти.
16.40 «Пушкин шеърияти оламида». 1-кўрсатув.
17.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Фан ва турмуш».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Европа чемпионатида. Футбол шарҳи.
19.45 Мультфильм.
19.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Тириклар ва ўликлар». Бадиий фильм. К. Симоновнинг шу номли романи асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Спорт ҳафталиги».
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 Санъат усталарининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильмлар: «Ҳовли тўйи хайрли бўлсин», «Псел дарёсидаги шаҳар».
10.00 «Хайрли соатда». Бадиий фильм.
11.35 «Будильник».
12.05—12.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 Болалар учун фильм. «Чўкиб кетган шаҳарни изловчилар».
14.15 «Инсон. Ер. Коинот».
15.00 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
19.50—20.30 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. ЧССР—Испания терма командалари. 2-тайм.
20.45 Халқ куйлари.
21.00 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 «Шаҳар товушлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3- ва 4-сериялар.
23.45 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР —ХХР терма командалари.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.35 «Пионерлар мамлакатида».
19.05 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Пария турмуши» (Сурхондарё область [illegible] район партия комитети ташкилоти ва нашр услуби ва иш...
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг ижросида Ўзбекистон поэзиторларининг [illegible] лари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда». Халқаро аҳвол [illegible]
22.20 «Қизил олма». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—15.05 МТ II
18.15 Кўрсатувлар [illegible]
18.20 Ўқитувчи экрани.
18.50 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Рассом Шилов». Ҳужжатли фильм.
20.35 «Совет хотин-қизлари» нопрограмма.
21.30 МТ II

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология институти ҳамда физика институти жамоаси институт ходими

Раззоқ Рафиқович МУСАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; ъзълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-00-50.

29 МАЙ, 1984 й. Р—12286. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9